

«Dunyoda ilmdan boshqa najot yoʻq va  
hech qachon boʻlmagay». **Imom Buxoriy**



# IMOM BUXORIY SABOQLARI

№ 1  
2020

*ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal*

2020-YIL – ILM, MA'RIFAT VA RAQAMLI  
IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH YILI

IMOM  
BUXORIY  
XALQAROVIY  
TILDOQOT JURNALI  
NASHRI

Ushbu sonda:

ULRIX RUDOLF –  
MOTURIDIYSHUNOS  
OLIM

4

MOTURIDIYLIKNING  
VUJUDGA KELISHI  
("Dorul Juzjoniya" va  
"Dorul Iyodiya" maktablari)

6

IMOM BUXORIYNING  
«AL-JOMI' AS-SAHIH»  
YOZISHDAGI SAHIHLIK  
SHARTLARI

13

PECULIARITIES  
OF STUDYING FAMILY  
LAW IN ISLAM

76

ФЕТВЫ  
МУСУЛЬМАНСКИХ  
УЛЕМОВ ПО  
БАНКОВСКИМ  
ПРОЦЕНТАМ

78

TERRORCHI  
TASHKILOTLARNING  
DAVLAT QIYOFASIGA  
KIRISHI: MAQSAD VA  
OQIBATLAR TAHLILI  
(«ISHID» misolida)

95

## Ушбу сонда:

<b>Шовосил ЗИЁДОВ.</b> <i>Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридий таълимоти: ўтмиш ва бугун</i> .....	3
<b>Зоҳиджон ИСЛОМОВ.</b> <i>Ульрих Рудольф – мотуридийшунос олим</i> .....	4
<b>Отабек МУҲАММАДИЕВ.</b> <i>Мотуридийликнинг вужудга келиши (“Дорул Жузжония” ва “Дорул Иёдия” мактаблари)</i> .....	6

### АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

<b>Бахтиёр ТУРАЕВ.</b> <i>Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий: даври, таълим тизими, интеллект</i> .....	10
<b>Шукрулло УМАРОВ, Нодир ҚОБИЛОВ.</b> <i>Имом Бухорийнинг “ал-Жомий ас-Саҳиҳ” ҳадис тўпламини ёзишдаги саҳиҳлик шартлари</i> .....	13
<b>Абдулвоҳид НУРИДДИНОВ.</b> <i>Маҳдуми Аъзам таълимотида комил инсон ва унинг камолоти масалалари</i> ....	15
<b>Комила ИСЛАМОВА.</b> <i>Садриддин Айнийнинг маърифатпарварлик ва муаллимлик фаолияти</i> .....	17
<b>Фахриддин ЮЛДАШЕВ.</b> <i>“Иккинчи муаллим” Абу Наср Форобийнинг тасаввуф таълимотига муносабати</i> ...19	
<b>Маърифат ХАНДАМОВА.</b> <i>Абу Райҳон Беруний асарларида қадимги ҳиндлар диний урф-одатлари</i> ....21	
<b>Бобир НАМОЗОВ.</b> <i>Муҳаммад Порсо қарашиларида “مكان” - макон ва “زمان” - замон категорияларининг тасаввуфий-фалсафий таҳлили</i> .....	24
<b>Азизхўжа ИНОЯТОВ.</b> <i>Имом Бухорийнинг ақидавий оятларни тафсир қилишдаги ўзига хос услуби ҳамда фирқаларга раiddиялари</i> .....	27

### НОДИР МАНБАЛАР

<b>Рахшона КЕНЖАБОЕВА.</b> <i>Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида вақф муносабатларининг мажбурий бўлиши масаласи</i> .....	30
<b>Гузал РАХМАТОВА.</b> <i>Экотуризм объекти бўлган “Боғи мазор” зиёратгоҳига оид қўлёзма манбалар</i> .....	32
<b>Муҳаммадайнуб АЗИМОВ.</b> <i>Тўрахўжа Ўзгандийнинг “Шарҳ саботул ожизийн” асари калом илмига оид муҳим манба</i> .....	34
<b>Дилноза РУЗМАТОВА.</b> <i>Холид Хусайнийнинг “Минг қуёш шуъласи” асаридаги етакчи мавзулар</i> .....	37

### ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

<b>Нафиса ЖЎРАЕВА.</b> <i>Муқаддас зиёратгоҳлар Бухоро шаҳри топографиясининг таркиби сифатида</i> .....	40
<b>Машкура РАШИДОВА.</b> <i>Буюк аждодларимизнинг илм-фанга, тарбияга оид қарашлари</i> .....	41
<b>Лола ХАСАНОВА.</b> <i>Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва халқаро нуфузининг ортиб бориши</i> ..43	
<b>Самариддин СУЮНОВ, Абдували АСЛАНОВ.</b> <i>Жанубий Суғд сув омборларининг суғорилиш тарихи</i> ..45	
<b>Одил ЗАРИПОВ.</b> <i>Туркистон ер эгалигида «шуфъа ҳуқуқи»</i> .....	49
<b>Набижон ДАМИНОВ.</b> <i>Мустақиллик йилларида самарқанд вилояти олий ўқув юртларининг халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши ва истиқболлари</i> .....	51
<b>Хусан ХУШВАҚТОВ.</b> <i>Совет миллий сиёсати ҳақида айрим мулоҳазалар</i> .....	55
<b>Хуршида ТИЛЛАХОДЖАЕВА.</b> <i>Исторические корни семейных обычаев и традиций в Узбекистане</i> .....	57
<b>Абдурасул БОЛТАЕВ, Бахриддин БЎРИБОЕВ.</b> <i>Жиззах вилоятида сунъий суғориш тизимининг шаклланиш тарихи</i> .....	60
<b>Лобар АСРОРОВА.</b> <i>Вақф ҳужжатларида етти пир зиёратгоҳлари таъминоти масаласи</i> .....	64
<b>Зухра АРИПОВА.</b> <i>Миср мамлуклари даврида адабиёт</i> .....	66
<b>Осимхон МАҲМУДОВ.</b> <i>Амир Темур ва темурийлар даври суюрғол ер эгалиги хусусиятлари</i> .....	68
<b>Дилноза ЖАМОЛОВА.</b> <i>Бухоро Халқ Совет Республикасининг Туркия Республикаси билан ҳамкорлиги</i> ....70	
<b>Шербек РАВШАНОВ.</b> <i>Россия империясининг аҳолини кўчириш тарихий тажрибаси ва унинг Марказий Осиёга таъсири</i> .....	72

### ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

<b>Nigora YUSUPOVA.</b> <i>Peculiarities of studying family law in Islam</i> .....	76
<b>Баҳромжон МАМАДИЕВ.</b> <i>Фетвы мусулманских улемов по банковским процентам</i> .....	78
<b>Абдурасул АБДУЛЛАЕВ.</b> <i>Ёшларда бағрикенглик туйғуларини шакллантиришда ислом қадриятларининг ўрни</i> .....	81

<b>Қудратуллоқ СИДИҚМЕТОВ.</b> <i>Ислом ақидасида суицид (ўз жонига қасд қилиш) масаласи</i> .....	83
<b>Абдулқодир ПАРДАЕВ.</b> <i>Аҳли сунна вал жамоа этиқодида “муаллақ қазо” тушунчаси</i> .....	85
<b>Давронбек МАХСУДОВ.</b> <i>XIV асрда яшаган ҳанафий мазҳаби муфассирлари</i> .....	88
<b>Қосимбек РАЗЗОҚОВ.</b> <i>Чиштия – тасаввуф тариқати сифатида</i> .....	91
<b>Дилафруз ТУРДИЕВА.</b> <i>Малайзия диний бағрикенглигининг урф-одатларда намоён бўлиши</i> .....	93

### **МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ**

<b>Шаҳзод ИСЛОМОВ.</b> <i>Террорчи ташкилотларнинг давлат қиёфасига кириши: мақсад ва оқибатлар таҳлили (“ИШИД” мисолида)</i> .....	95
<b>Нодир ШОМИРЗАЕВ.</b> <i>Экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолганларни ижтимоий реабилитация қилиш масаласи</i> .....	97

### **ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ**

<b>Mansur NABIYEV.</b> <i>O‘zbekistonda demokratik jamiyat rivojida ijtimoiy-ta’naviy qadriyatlarining ahamiyati</i> .....	99
<b>Ижод АҲМЕДОВ.</b> <i>Миллий ғоянинг тараққиёт жараёнидаги ижтимоий хусусияти</i> .....	101
<b>Пўлат ҚАҲҲОРОВ.</b> <i>“Ўтиш даври”да тарихий онгнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари</i> .....	103
<b>Марғуба МУРАТОВА.</b> <i>Мустақил Ўзбекистонда демократик-фуқаролик жамият қуришининг ўзига хос хусусиятлари ва бунда “ўзбек модели”нинг аҳамияти</i> .....	105
<b>Тўлқин ЖУМАЕВ.</b> <i>Ўзбекистонда Корейс диаспорасининг ижтимоий жараёнлари</i> .....	107
<b>Дилдора МУРАТОВА.</b> <i>Глобал техноген цивилизация тараққиёти ва унинг Ўзбекистон ижтимоий-маданий ҳаётига таъсири</i> .....	109
<b>Фарход МАМАТҚУЛОВ, Сайёра ДЖАСАНОВА.</b> <i>Замонавий аёлнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси</i> .....	112
<b>Нодира ФАРХОДЖОНОВА.</b> <i>Глобаллашув шароитида миллий қадриятларда интеграция</i> .....	115
<b>Нодира СУЛТОНОВА.</b> <i>Европа ва Марказий Осиё алломаларимиз асарларида дўстлик ва меҳр-муҳаббат талқинлари</i> .....	117
<b>Серобжон ЮЛДАШЕВ.</b> <i>Ўзбекистонни ривожлантиришининг ҳаракатлар стратегияси-ижтимоий-маданий технология сифатида</i> .....	121
<b>Ўктам ШАКАРОВ.</b> <i>Раҳбар фаолиятида одоб-ахлоқ нормаларининг ҳуқуқий асослари</i> .....	123

### **ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР**

<b>Абдуҳаким ШАРИПОВ.</b> <i>Жамият маънавий ҳаётида стратификацион жараёнлар ва ижтимоий ҳамкорлик ғояларининг ўрни</i> .....	126
<b>Бахти ОЧИЛОВА.</b> <i>Ахлоқий қадриятлар ва уларнинг функционал моҳияти</i> .....	128
<b>Мақсуд ТОШБОБОЕВ.</b> <i>Сунбий интеллект тушунчасининг моҳияти ва ривожланиши</i> .....	131
<b>Mirzoulug‘ MAMASALIEV.</b> <i>Sarvparali radhakrishnanning ijtimoiy, diniy-falsafiy qarashlari</i> .....	134
<b>Жамшид ОЧИЛОВ.</b> <i>Техноген цивилизация глобаллашувининг ижобий ва салбий оқибатлари</i> .....	136
<b>Зебинисо ОДИНАЕВА.</b> <i>Шарқ фалсафаси фанларини ўқитишда миллий идентиклик масалаларининг ёритилиши</i> .....	139

### **ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ**

<b>Марғуба ҚУРБОНОВА.</b> <i>Жамиятда ёшларнинг ижтимоий мавқеини шаклланиши</i> .....	141
<b>Қувват АЛИҚУЛОВ.</b> <i>Ёшларнинг иқтисодий фаоллигини ривожлантиришда ахлоқий омилларнинг имманент хусусиятлари</i> .....	143
<b>Нуриддин АХМАДИЕВ, Исломжон ЖЎРАЕВ.</b> <i>Ёшларда маънавий иммунитет ва ахлоқий маданиятни юксалтиришининг инновацион омиллари</i> .....	146
<b>Нодиржон ТОҒАЕВ.</b> <i>Миллатпарварлик тушунчасининг фалсафий моҳияти ва унинг ёшлар тарбиясида тутган ўрни</i> .....	148

### **ИМОМ БУХОРИЙ РИВОЯТ ҚИЛГАН ҲАДИСЛАР**

<i>Тоғун (вабо, ўлат)га доир ҳадислар ҳақида</i> .....	150
--	-----

## БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

Дилноза ЖАМОЛОВА  
БухДУ ўқитувчиси,  
тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

*Ушбу мақолада Бухоро Халқ Совет Республикасининг Туркия Республикаси билан дипломатик ва таълим соҳасидаги алоқалари ҳақида маълумот берилди.*

**Таянч сўзлар:** “Бухоро ахбори”, “Озод Бухоро” газеталари, ташқи сиёсат, элчилик, митинг, таълим, талаба, зиёлилар.

Бухоро амирлиги ўрнида 1920 йилда ташкил топган Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ҳукумати ташқи алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб, Россия, Туркистон АССР, Хоразм Халқ Совет Республикаси; Шарқ мамлакатларидан Туркия, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон; Ғарб давлатларидан Германия, Франция, Швеция, Латвия, Чехословакия каби давлатлар билан ўзаро дипломатик алоқаларни ўрнатди.

Айнан шу даврда янги ташкил топган Туркия республикаси ташқи сиёсатда РСФСР билан иттифоқчилик қилиш, ўзаро сиёсий ва элчилик алоқаларини ўрнатиш йўлидан борди ҳамда 1921 йил 16 март кунини РСФСР билан дипломатик шартнома имзолади[1:8]. Бу эса БХСР-Туркия ўртасида ўзаро муносабатларининг йўлга қўйилишига ижобий таъсир кўрсатди.

Туркия ва БХСР ўртасидаги дипломатик муносабатларни ўрнатишнинг ташаббускори Туркия республикасининг асосчиси Мустафо Камол Отатурк эди. У БХСР ташкил топганидан 4 ой ўтар-ўтмас (1920 йилнинг кишида) ўз элчиларини Бухорога юборган ва Бухоро шаҳрида Туркия элчихонаси очилган. Унга Ғолиб пошо раис, таниқли турк ёзувчиси Рушан Ашраф эса биринчи котиб лавозимида фаолият олиб борган. Орадан бир йил ўтиб, 1921 йил январь ойида иккинчи бор Туркия вакиллари Бухорога ташриф буюрган ва БХСР раҳбарлари Файзулла Хўжаев, А. Муҳиддинов, РСФСРнинг Бухородаги вакили Ҳақимовлар томонидан қабул қилинган[2].

БХСР билан биринчилардан бўлиб дипломатик алоқа ўрнатган Туркия давлати олдида бу пайтда миллий бирликни сақлаб қолиш вазифаси турар ва мамлакат мустақиллигини сақлаб қолиш учун курашлар давом этаётган эди. Туркия озодлик кураши воқеалари БХСР аҳолиси ва ҳукуматининг диққат марказида бўлиб, Мустафо Камол Отатурк шахсияти ва фаолияти, турк-юнон уруши ҳамда унда туркларнинг кўрсатган жасоратлари ҳақида ҳукуматнинг расмий органи “Бухоро ахбори” ҳамда “Озод Бухоро” газеталарида мунтазам мақолалар бериб борилган[3].

БХСР ҳукумати Туркия-Юнонистон уруши даврида турк халқини қўллаб-қувватлаб турди ҳамда катта миқдорда маблағ йиғиб, ёрдам тариқасида Туркияга жўнатди. Бу ҳақда “Бухоро ахбори” газетасининг “Шарқ дунёси” рукни остида босилган мақолада маълумот берилиб: “Туркияга ёрдам кўрсатмак ва шунинг билан турк халқига руҳ бермак Шарқ мамлакатларининг қарзидур”[4], деган фикрга алоҳида урғу берилган.

1922 йил 12 октябрда БХСР МИҚ қарори билан Масжиди Калонда Бухоро маориф нозири Қори Йўлдош Пўлатов бошчилигида ислом руҳонийлари ва талабалар иштирокида митинг ўтказилди. Унда БХСР Назирлар Шўросининг муваққат раиси Отаулла Хўжаев, Марказий Ижроия Қўмита раисининг биринчи ўринбосари

*This article contains information on diplomatic and educational ties between the Bukhara People's Soviet Republic and the Turkish Republic.*

*Эта статья содержит информацию о дипломатических и образовательных связях между Бухарской Народной Советской Республикой и Турецкой Республикой.*

М. Аминов, РСФСРнинг Бухородаги мухтор вакили Фонштейн иштирок этдилар. Митинг иштирокчилари номидан туркларнинг юнонлар устидан ғалабаси шарафига Туркия Миллий мажлиси раиси Мустафо Камол номига табрик телеграммаси юборилди[5].

БХСР ҳукумати раҳбари Файзулла Хўжаев Туркия билан муносабатларда таълим соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратди.

1921-1922 йилларда БХСР замонавий олий маълумотли мутахассисларга эга бўлиш мақсадида бир гуруҳ ёшларни Туркия ва бошқа хориж мамлакатларига ўқишга юборди. Ўқувчи ёшларни танлаш ва хорижга жўнатишда Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Қори Йўлдош Пўлатов, Абдувоҳид Бурҳонов кабилар мутасаддилик қилишган. Хорижда ўқитиш учун талабаларни танлаш мураккабликлар келтириб чиқарар, бадавлат кишилар ўз фарзандларини чет элга ҳамма вақт ҳам юбормасди. Бухоро ҳукумати ўғил болалар учун очилган етимхоналардан иқтидорли ёшларни танлаб, Туркияга юборди[6]. Талабаларнинг моддий таъминоти доимий равишда БХСР Маориф нозирлигининг назоратида бўлиб, улар учун ажратилган пул маблағларини Россия орқали жўнатиш бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқарган. Жумладан, 1921 йил 5 октябрда БХСР Маориф нозирининг Марказий Ижроия қўмитага ёзган мактубида Туркиядаги Бухоро талабалари учун жўнатилган пул маблағлари консуллар ўртасида тақсимлаб олингани ва моддий ёрдам кечикканлигини маълум қилинган[7: 89]. Натижада 1921 йил 23 октябрда Бухоро Марказий Ижроия қўмитаси мажлисида Туркияда таҳсил олаётган бухоролик талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш масаласи кўриб чиқилган ва Истанбулга борувчи савдогарлар орқали талабаларга пул маблағлари жўнатилган[8: 121].

1922 йил 2 январда Бухоро Халқ маорифи назорати томонидан 25 нафар талаба олий таълим олиш учун Туркияга жўнатилган бўлиб, уларни олий ўқув юртига жойлаштириш, моддий ва маънавий таъминотини таъминлаш мақсадида Халқ маориф назоратининг нозири муовини Исмоил Садир юборилган[9]. Декабрь ойининг охирида Бухорога қайтиб келган Исмоил Садирдан “Бухоро ахбори” газетаси мухбири интервью олган ҳамда унинг маълумотларини тўлалигича газетада чоп этган: “Ботуми орқали Усмонли тупроғига чиқиб, Самсун номли турк шаҳрига етканимиздан кейин, мазкур шаҳарда 2-3 кун истиқомат қилдик. Бу шаҳарда бизни маҳаллий турк ҳукумати ғоят даражада яхши қабул этди. Бизнинг шарофатимизга бир қанча жойларда зиёфатлар ясалди ва ҳар хил муҳим ижтимоий масалаларда фикр алмашдик. Мажлисларнинг бирида Анқара ҳукуматининг дохилий нозири

Фатҳбек билан кўп сўйлашмоққа тўғри келди. Бухоронинг бугунги илмий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатларини тафсилоти билан сўйлаганимдан кейин, Фатҳбек таъсирланган ҳолда, Русия буюк инқилобининг натижаларини таъқиб қилиб борганлигини аниқлади. Итил, Уралбўйи, Қрим, Туркистон, Хива ҳамда Бухоро муслмон камбағалларининг бу кунги мустақил ҳаётларига туркларнинг кўп умид билан қарамоқларини маълум этди. Бухоронинг ҳозирги мустақил ҳаётига тўхталиб, бу ҳақда ўзининг ва бутун турк халқининг кўп хурсанд эканликларини билдирди.

Самсун шаҳрида эканимизни тегишли жойга билдиргач, талабаларимизнинг бир бўлагини Трабзун (Трапезунд) Султониясига, иккинчи бўлагини эса Костомира вилоятининг дорулмуаллимига бериш маслаҳат қилинди. Бу хусусдаги лозим амалиётни ижро қилиб, ниҳоят Костомира вилоятига кетдик.

Костомира вилоятида ҳам биз мусофирлар яхши қаршилдик... Мана шундоқдўстона муомала ҳар жойда бизни фавқуллода буюк маънавият билан қаршилаган узоқдаги турк қардошларимизнинг Бухоро ҳукуматида дўстлик қўзи билан қараб, турмушимизга яхши муносабатда бўлганликлари ҳар бир ҳаракатда кўриниб турадир. Талабаларимизнинг мактабларга кирмоқларига ҳеч бир монелик бўлмади.

Хорижга юборилувчи талабаларимизни бундан кейин ҳам яхши тайёр қилиб юборувда бўлмасак, бу йўлда сарф этган куч ва ҳаракатларимизнинг натижа бера билмаслигини ҳозирдан тушуниб турмоғимиз лозимдир. Мактаблар ҳаёти Туркияда бир миқдор тайёрроқ рамкада бўлмоғи, Бухорода бекорсоз юриб ўрганган талабаларимизга қисман оғир кўриниши эътиборга олмаганда, талабаларимиз умуман руҳли қолдилар.

Анқара ҳукуматида 4 саналик санадларини топширганимиз ҳолда, мазкур ёш ҳукуматнинг собиқ маориф нозири Ҳамидулла Субҳи афандига қолдирдик” [10].

1922 йилда Бухоро Республикасининг Туркия (Анатолия)даги талабалар рўйхатида 19 та ўқувчининг исм-шарифи, ёши, миллати, оилавий аҳволи, манзили қайд қилинган. Бухородан Туркияга юборилган ёшларнинг энг кичиги 10 ёшда, энг каттаси 24 ёшда бўлган [11: 54].

1922 йилнинг март ойда БХСР раҳбарларидан Абдурауф Фитрат ташаббуси билан Махмуд Назар ҳамда Махмуд Ражаб бошчилигидаги Бухоро вакиллари Мустафо Камол пошо ҳукуматини расмий суратда таниш ва ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатиш мақсадида Анқарага жўнатилган. БХСР элчиларини Анқара муваққат ҳукумати ташқи ишлар нозининг муовини Зиёдбек ҳамда хорижий ишлар вакили Юсуф Камолбейлар расмий кутиб оладилар. Мустафо Камол Бухоро элчилари билан учрашиб, дипломатик, маданий, савдо-сотик муносабатлари ўрнатиш бўйича музокаралар олиб борган. Учрашув сўнггида Бухоро ҳайъати вакиллари ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида Мустафо Камолга олтин дастали қилич, Амир Темур даврида кўчирилган Қуръони каримнинг нодир нусхаси, бухороча сарпо, шунингдек, Бухоро зобитлари ва аскарларига Бухоро регистони тасвири туширилган нишонлар тақдим этганлар. Ўз навбатида Мустафо Камол ҳам элчиларга қимматбаҳо совғалар тақдим этади [12]. Туркия давлат раҳбари ва Бухоро элчилари орасидаги бу музокаралар 1920-1924 йилларда икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг

мустаҳкамланишига хизмат қилган.

1922 йил охирига келиб, Совет ҳукумати БХСР ҳукуматидан Туркияда таҳсил олаётган ёшларни зудлик билан чақириб олишга буйруқ беради. Ўз мамлакатнинг тараққиёти ва ривожланишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Туркияга таҳсил олиш учун борган бир гуруҳ ёшлар юртига қайтганида уларга “ватан хоини”, “жосус” тамғалари ёпиштирилиб, қатағонга учрайдилар. Натижада улар ўз юртларини ташлаб Афғонистон ҳудудига ўтиб кетишга, хорижда юрганлари эса юртига қайтмасликка мажбур бўлди [13: 52].

БХСР ҳукумати 1923 йилда Туркиянинг жумҳурият деб эълон қилиниши муносабати билан Мустафо Камол Отатурк номига табрик телеграммаси юборади. 1923 йил ноябрда эса Туркия раҳбари табрикномага жавоб йўллаб, ўз ҳукумати ва халқи номидан Бухоро Республикаси раҳбариятига самимий миннатдорчилигини билдиради [14: 52-53].

1923 йилга келиб, Россия томонидан Бухоро Республикасини мустамлакалаштириш жараёни авж ола бошлади. Оқибатда Бухоро ҳукумати раҳбарларининг кўпчилиги истеъфо беришга ва муҳожирликка кетишга мажбур бўлади. БХСР ҳукуматида дастлаб молия нозири, кейин эса БХСР Марказий Ижроия Қўмитасининг биринчи раиси лавозимида ишлаган Усмонхўжа Пўлатхўжаев (1878-1968) Туркия ҳукуматида сиёсий бошпана сўраб мурожаат қилганлардан бири эди. У 1923 йил сентябрда Истанбулга келган ва Туркия Республикасининг биринчи президенти Мустафо Камол Отатурк томонидан давлат раҳбарлирига кўрсатиладиган олий қомонда кутиб олинган.

Усмонхўжани ўз меҳмонидек қабул қилган Мустафо Камол унга Туркия Республикаси ҳукуматида масъул вазифада ишлашни таклиф қилади, аммо Усмонхўжа бундан кейин сиёсий ишларга аралашмаслиги, Туркистон маданияти масалалари билан шуғулланиш мақсади борлигини айтади. Мустафо Камол Усмонхўжага маънавий ва моддий мадад беришини айтиб, унга Туркия давлати миқёсидаги нафақа белгилайди. Ушбу нафақани Усмонхўжа умрининг охиригача, вафотидан сўнг эса хотини оладиган бўлди [15: 22].

1924 йилда совет Россияси томонидан Ўрта Осиё ҳудудидаги учта давлат Туркистон АССР, Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Республикаси тугатилиб, уларнинг ўрнига миллатига кўра янги давлатлар барпо этилади. Ушбу давлатлар тўлалигича Россиянинг мустамлакасига айлантирилади. XX асрнинг 30-йилларига келиб, совет ҳукумати талаби билан Афғонистондаги ўзбек зиёлиларига нисбатан жабр-зулм ўтказилади. Бундан хабар топган Мустафо Камол Отатурк Туркиядаги афғон элчиси Файз Муҳаммадхонни хузурига чорлаб: “Агар мамлакатингизда Туркистон муслмонлари учун жой бўлмаса, бизга топширинг” [16: 29], - деб айтади. Натижада кўплаб ўзбеклар Туркияга кўчиб ўтади ва Мустафо Камол томонидан уларга арзон нархларда мол-мулк, ер ва чорва моллари бериш тўғрисида қарор чиқарилади [17: 45].

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати раҳбарларининг аксарияти Туркияда таҳсил олган бўлиб, у ердаги тараққиёт ва ўзгаришлардан тўла хабардор эдилар. Мустақил давлат сифатида ташқи алоқаларни ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Бухоро ҳукумати Му-

стафо Камол Отатурк бошчилигидаги Туркия давлати билан дипломатик муносабатлар ўрнатди. Тил ва дин жиҳатдан бир-бирига жуда яқин бўлган бу икки давлат

маданий, айниқса, маориф соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Шарқ мамлакатлари (1920-1924 йиллар). Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2004.
2. Бухоро ахбори, 1921 йил 27 январь. № 21.
3. Камол аскарларининг ҳаракати // Бухоро ахбори, 1921 йил 17 февраль. № 24; Инқилобий турк аскарларининг бошлиғи қахрамон Камол пошо // Бухоро ахбори, 1922 йил 29 октябрь. № 106; Тўрақулов. Минглар яша (Камол пошо ҳақида ғазал) // Бухоро ахбори, 1922 йил 29 октябрь. № 106; Камол пошо Миллат Мажлиси раиси // Бухоро ахбори, 1923 йил 24 август. № 193; Камол пошо – жумҳурраис, Исмаилов пошо – ҳукумат раис // Озод Бухоро, 1923 йил 6 ноябрь. № 8;
4. Зиё Усманий. Туркия ҳамда юнон муҳорабаси // Бухоро ахбори, 1921 йил 25 сентябрь, № 50.
5. Бухоро ахбори, 1922 йил 19 октябрь, № 103.
6. Туркияда Бухоро талабалари // “Бухоро ахбори”, 1922 йил 27 март. - № 76.
7. ЎзРМДА, 56-фонд, 1-рўйхат, 38-иш.
8. ЎзРМДА, 47- фонд, 1-рўйхат, 29-иш.
9. Усмонли туркларнинг бу кунги ҳоли // “Бухоро ахбори”, 1922 йил 31 декабрь. - № 122.
10. Усмонли туркларнинг бу кунги ҳоли // “Бухоро ахбори”, 1922 йил 31 декабрь. - № 122.
11. Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2008.
12. Бухоро ахбори, 1922 йил 4 апрель, № 77.
13. Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи.
14. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Шарқ мамлакатлари (1920-1924 йиллар).
15. Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа. Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2001.
16. Саид Мубаширхон Косоний. Хотиралар // “Дунё” журнали. Нишона сони, 1993.
17. Ирисов А. Ватан меҳри. “Тулистон” журнали, 1995. - № 4.

## РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ ТАРИХИЙ ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ТАЪСИРИ

Шербек РАВШАНОВ  
ЎзР ФА Тарих институти  
таълим докторанти

*Мазкур мақолада XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империясининг шарқий мустамлака ҳудудлари, хусусан, Марказий Осиёга амалга оширилган аҳолини кўчириш дастлабки жараёнлари ва уларнинг ижтимоий ҳаётига эътибор қаратилади.*

**Таянч сўзлар:** Туркистон, Россия, низом, кўчириш, десятина, Сибир, крепостной, фон-Кауфман.

Россия империяси XIX аср ўрталаридан бошлаб янги ерлар ёхуд мустамлакага айланган ҳудудларни ўзлаштириш ва бу ҳудудларда империя таъсирини ошириш мақсадида бир қарча тадбирларни амалга оширди. Бундай тадбирларнинг энг муҳимларидан бири бу, Россиянинг марказий ва ғарбий губернияларида яшовчи аҳолини янги ерларга кўчириб жойлаштиришдан иборат бўлди.

Ваҳоланки, инсоният яшаётган жамиятда босиб олишлар, кўчишлар ва кўчирилишлар шахснинг ижтимоий ҳаётида асосий омиллардан бири бўлиб келган. Мазкур омил сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда ҳам, ҳар доим энг муҳим кўникма бўлиб келган. Шунингдек, оммавий миграция, депортация ва халқларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчишлари маданиятларининг алмашинуви ёхуд янги маданиятларни қабул қилиш ва сингдириш, шакллантириш каби механизмларини қадимдан бақариб келган[6:3]. Демак, Россия империясининг аҳолини кўчириш жараёнига ва тажрибасига эътибор қаратилса, Россиянинг марказий губернияларида яшовчи аҳоли Туркистон ўлкасига кўчирилишидан аввал аҳолининг қайси ҳудудларга кўчирилганлиги ва жойлаштирилганлиги ҳақидаги тарихий тажрибасини ўрганишимиз мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун Россияда кўчирилиш тадбирлари билан боғлиқ бўлган айрим маълумот ва фактларга мурожа-

*This article focuses on the location and social life of Russian immigrants' settlements in the eastern colonial domains of the Russian Empire, including Central Asia, in the second half of the 19-th century.*

*В статье рассматривается расположение русских переселенческих поселений в восточных колониальных владениях Российской империи в Центральной Азии и их социальная жизнь во второй половине XIX века.*

ат этишга тўғри келади. Кўчирилиш масаласи ва кўчирилган аҳолининг ижтимоий ҳаётини ёритишда энг муҳим маълумотларни империя зироатчилик ва давлат мулкларини ўрганиш қўмитаси аъзоси иқтисодчи А.А. Кауфманнинг тадқиқотларида Россия империясида кўчирилиш масалалари ҳақида жуда муҳим маълумотларни кўриш мумкин. Бу маълумотлар Россиянинг дастлабки 20-25 йил, яъни 1905 йилгача давом этган кўчирилиш жараёнларини ўз ичига олади. Келтирилган маълумотларга кўра, бу даврда энг йирик ҳажмдаги кўчирилиш оқими ғарбдан шарқга, жумладан, Сибир ҳудудларига амалга оширилган эди, яъни 1885 йилдан то 1903 йилгача бўлган давр оралиғида расмий 1 900 минг нафар аҳоли кўчирилади. Бу ерга 1890 йилгача бўлган давр оралиғида йиллик кўчиш 25-50 мингга; 1891-1892 йилги очарчилик даврида бу кўрсаткич 80-90 минг кишига кўтарилди; 1895 йилда 120 мингга; 1896 йилдан бошлаб Сибир темир йўл тармоғининг ишга туширилиши ҳукуматнинг кўчирилиш билан боғлиқ жараёнларга ҳам маълум бўлди ва кўчувчилар сони бирданига 200 мингга кўтарилиб, бу кўрсаткич 1900 йилгача давом этди. Ўша даврда Россияда шарқга бўладиган барча кўчириш жараёнларини Сибир темир йўл қўмитаси зиммасига юклатилган эди. 1901 йилдан бошлаб бу кўрсаткич яна пасайиб бориб уч йил давомида 100-200 минг кишини ташкил этади. Бунинг са-